



**Ўзбекистон Республикаси номидан
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

2023 йил 26 октябрь Беруний тумани 4-2302-2303/3409-сонли иш

Беруний туманлараро иқтисодий судининг судьяси Б.Т.Бекмуратов раислигида, С.Кучкаровнинг котиблигида, даъвогар вакили суд тугатиш бошқарувчиси [REDACTED] иштирокида, даъвогар [REDACTED] масъулияти чекланган жамияти суд тугатиш бошқарувчисининг жавобгар [REDACTED] масъулияти чекланган жамиятидан 25 000 000 сўм асосий қарзни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича қўзғатилган 4-2302-2303/3409-сонли иқтисодий ишни суд биносида очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Даъвогар [REDACTED] масъулияти чекланган жамиятининг суд тугатиш бошқарувчиси (бундан буён матнда – даъвогар) судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар [REDACTED] масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда – жавобгар)дан 25 000 000 сўм асосий қарзни ундиришни сўраган.

Даъвогар [REDACTED] масъулияти чекланган жамиятининг суд тугатиш бошқарувчиси суд мажлисида даъво талабларини қўллаб-қувватлаб, даъво аризани тўлиқ қаноатлантиришни сўраган.

Бугунги суд мажлисининг ўтказилиш вақти ва жойи тўғрисида жавобгар қонунда белгиланган тартибда хабардор қилинган бўлсада, унинг вакили иштирок этмади, даъво ариза юзасидан фикр билдирмади.

Бундай ҳолда суд ишни Ўзбекистон Республикаси иқтисодий процессуал кодексининг 128, 129, 170-моддаларига асосан жавобгар вакилининг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим деб ҳисоблайди.

Суд даъвогар вакилининг тушунтиришларини тинглаб, даъво аризасида келтирилган ҳолатларни иш ҳужжатлари билан бирга муҳокама қилиб, даъвогарнинг илтимосномасини қаноатлантиришни ва қуйидаги асосларга кўра даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикасининг «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги қонунининг 141-модасига кўра, иқтисодий суд томонидан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида қарор қабул қилинган пайдан эътиборан қарздорнинг бошқарув

органлари қарздорнинг мол-мулкини бошқариш ва тасарруф этиш вазибаларини бажаришдан, агар илгари четлаштирилмаган бўлса, четлаштирилади, қарздор раҳбарининг ваколатлари тугатилади (қарздорнинг раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси тугатилади), қарздорнинг ишларини бошқариш тугатиш бошқарувчисининг зиммасига юклатилади, шунингдек мулкдорнинг қарздор мол-мулкини бошқариш ва тасарруф этишга доир ваколатлари тугатилади, қонуннинг 144-модасига мувофиқ, тугатиш бошқарувчиси қарздор томонидан тузилган битимларни, агар қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўлса, ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъволар тақдим этиш, қарздорни тўловга қобилиятсизлик ҳолатига олиб келганлиги муносабати билан унинг пул мажбуриятлари ва (ёки) солиқлари ҳамда йиғимлари юзасидан субсидиар жавобгар бўладиган шахсларга нисбатан талаблар қўйиш, қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил этиши; қарздорнинг учинчи шахсларда турган мол-мулкини қидириш, аниқлаш ва қайтаришга қаратилган чораларни кўриши ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

Урганч туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 07 августдаги 4-2201-2303/2837-сонли ҳал қилув қарори билан даъвогар [REDACTED] масъулияти чекланган жамияти банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган.

Ушбу суд ҳал қилув қарори билан [REDACTED] масъулияти чекланган жамиятининг тугатиш бошқарувчиси этиб, суд бошқарувчи [REDACTED] тайинланган.

Тугатиш бошқарувчиси даъвогарга нисбатан банкротлик ишини юритиш давомида шартнома бўйича жавобгар томонидан мажбуриятларни бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (шартномалар в.х.) мавжуд эмаслиги сабабли даъвогарнинг банк ҳисоб рақамидаги пул маблағлари айланмаси тўғрисидаги маълумотига (оборотка) асосан 25 000 000 сўм қарздорликларини ундиришни сўраган.

Суд даъво талабини қўйидагиларга кўра асосли деб ҳисоблайди.

Чунки иш ҳужжатларидаги банкнинг пул маблағлари айланмаси тўғрисидаги маълумотидан маълум бўлишича, [REDACTED] масъулияти чекланган жамияти томонидан [REDACTED] масъулияти чекланган жамиятининг ҳисоб рақамига 2021 йил 24 мартда 20 000 000 сўм, 2021 йил 09 сентябрда 5 000 000 сўм жами 25 000 000 сўм пул маблағларини 2 (икки) ой муддатда қайтариб бериш шарти билан вақтинчалик молиявий ёрдам учун ўтказиб берилган.

ФКнинг 234-моддасига мувофиқ мажбурият – фуқаролик ҳуқуқий муносабат бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

ФКнинг 236-моддасига кўра мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак, 237-моддасига асосан мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортиш ва шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

ФКнинг 238-моддасига мувофиқ мажбурият келишилган ва тарафлар учун мақбул усулда бажарилиши шарт.

Мазкур ҳолатда суд ушбу даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни лозим топади.

Сабаби, суд гарчи низо бўйича тарафлар ўртасида тузилган шартномалар тақдим этилмаган бўлсада, банк томонидан тасдиқлаб берилген маълумотида даъво талабида кўрсатилган пул маблағлари тегишли шартномага молиявий ёрдам учун жавобгарнинг ҳисоб-рақамига ўтказиб берилганлиги ва қайтарилмаганлиги қайд этилган.

Даъвогар томонидан жавобгарга 2023 йил 28 августда Ал/12-сонли талабнома хати жўнатилган, бироқ ушбу талабнома хати жавобсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексинингнинг 242-моддаси тўртинчи қисмига кўра, хизматлар кўрсатилганлиги фактини тасдиқловчи ҳисобварақ-фактура ёки бошқа ҳужжат расмийлаштирилган (имзоланган) сана хизматларни реализация қилиш бўйича айланма амалга оширилган санадир.

ФКнинг 242-моддаси тўртинчи қисмига кўра, агар мажбуриятни бажариш муддати кўрсатилмаган ёки талаб қилиб олиш пайти билан белгилаб қўйилган бўлса, кредитор ҳар қачон ижрони талаб қилишга, қарздор эса — ижрони ҳар қачон амалга оширишга ҳақли бўлади. Мажбуриятни дарҳол бажариш вазифаси қонун, шартнома ёки мажбуриятнинг моҳиятидан англашилмаса, қарздор бундай мажбуриятни кредитор талаб қилган кундан бошлаб етти кунлик муддат ичида бажариши шарт.

Шунингдек, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида банк операцияларининг бири сифатида электрон пулларни чиқариш, улардан фойдаланиш ва тўлаш белгиланган.

“Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунини иқтисодий судлар амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги Қарорининг 3-бандида судлар шартноманинг тузилганлиги, мазмуни ва бажарилганлигини тасдиқлаш учун тақдим этилган далиллар (юк хати, товар-транспорт ҳужжати, ишончнома, далолатнома ва ҳоказолар)га ҳар томонлама баҳо бериб, шартноманинг ёзма шаклига риоя қилинмасдан (оғзаки келишув асосида) бажарилган мажбуриятлар бўйича келиб чиққан низоларни қонунда белгиланган тартибда ҳал этмоқлари кераклиги, бунда судлар ФКнинг 363-моддаси талабларидан келиб чиқиб, шартномани тузишга хизмат қилган барча ҳолатлар, жумладан, шартнома тузиш

олдидан олиб борилган мунозаралар, ёзишмалар, ўзаро муносабатларда шаклланган амалиёт, иш муомаласи одатлари, тарафларнинг ўзларини тутишларини ўрганишлари ва баҳо беришлари лозимлиги тўғрисида тушунтириш берилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2009 йил 18 декабрдаги 203-сонли “Хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишни тартибга солувчи фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарорининг 8-бандига кўра агар тарафларнинг шартномавий-ҳуқуқий муносабатларга киришганлиги ёзма ёки бошқа далиллар билан тасдиқланса, шартноманинг мавжуд эмаслиги даъвогарнинг етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар қийматини ундириш ҳақидаги талабларини қаноатлантиришни рад этиш учун асос бўла олмайди.

ИПКнинг 66-моддасига мувофиқ иш бўйича далиллар ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда назарда тутилган тартибда олинган фактлар ҳақидаги маълумотлар бўлиб, улар асосида суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг талаблари ва эътирозларини асословчи ҳолатлар, шунингдек низони тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини аниқлайди.

ИПКнинг 74-моддасига мувофиқ суд далилларга ишнинг барча ҳолатларини жамлаб, уларни суд мажлисида қонунга амал қилган ҳолда ҳар томонлама, тўлиқ ва холис кўриб чиқишга асосланган ўз ички ишончи бўйича баҳо беради. Ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи-назаридан, далилларнинг йиғиндиси эса етарлилиги нуқтаи-назаридан баҳоланиши лозим. Агар текшириш натижасида далилнинг ҳақиқатга тўғри келиши аниқланса, у ишончли деб тан олинади.

Шунингдек, ИПК 118-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Ҳал қилув қарори ўз фойдасига чиқарилган тарафга иш бўйича қилинган барча суд харажатларининг ўрни, гарчи бошқа тараф давлат божини тўлашдан озод этилган бўлса ҳам ушбу бошқа тараф ҳисобидан қопланади.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунига илова қилинган Давлат божи ставкалари миқдорларининг 2-банди “а” кичик бандида мулкӣ хусусиятга эга даъво аризалар учун даъво баҳосининг 2 фоизи миқдорида, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 бараваридан кам бўлмаган миқдорда давлат божи ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2018 йил 25 октябрдаги РС-59-18-сонли қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2022 йил 28 декабрдаги РС-71-22-сонли қарорида барча ишлар бўйича даъво аризаси ва аризалар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи миқдорида почта харажати тўланиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 мартдаги «Иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ғы ПФ-45-сонли Фармониға асос 2023 йил 1 майдан бошлаб базавий ҳисоблаш миқдори 330 000 сўм қилиб белгиланган.

Шу боис, суд жавобгардан республика бюджетига 500 000 сўм ҳамда даъвогар фойдасига 33 000 сўм почта харажати ундиришни лозим топди.

Юқоридагиларға ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176-179-моддаларига асосланиб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар [REDACTED] масъулияти чекланган жамиятидан даъвогар [REDACTED] масъулияти чекланган жамияти фойдасига 25 000 000 сўм асосий қарз ва 33 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Жавобгар [REDACTED] масъулияти чекланган жамиятидан республика бюджетига 500 000 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучға киргач, ижро варақалари берилсин.

Мазкур ҳал қилув қароридан норози тараф шу суд орқали Қорақалпоғистон Республикаси судига бир ойлик муддат ичида апелляция шикоятти бериши (прокурор протест келтириши) мумкин.

Судья

Б.Т.Бекмуратов